**бир ой муддатда** спорт соҳасида коррупциянинг олдини олиш, Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш жараёнида (мусобақаларни ҳар бир босқичда ўтказиш, спортчиларни саралаб олиш, тренерларни жалб қилиш, спорт-таълим муассасаларига ўқувчиларни қабул қилиш, норматив ва имтиҳонларни топшириш ва бошқалар) коррупция ҳолатларининг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш ва унга қарши аёвсиз курашиш бўйича комплекс чора-тадбирларни тасдиқласин ва амалиётга жорий қилсин.

8. **Молия вазирлиги** (Ишметов):

**бир ҳафта муддатда** Давлат бюджетидан молиялаштириладиган Миллий олимпия қўмитаси, Миллий паралимпия қўмитаси ва спорт федерация (ассоциация)ларнинг даромадлари ва харажатлари сметасини уларнинг талабларидан келиб чиқиб тасдиқласин ҳамда зарур маблағларни ажратилишини таъминласин;

спорт мусобақаларини ўтказиш учун ажратилган бюджет маблағларини фақат **ҳар йили** тасдиқланадиган спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаси асосида ажратиб борилишини таъминласин;

**жорий йил якунига қадар** Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси ва спорт федерация (ассоциация)лари томонидан ўтказиладиган тўловларни Молия вазирлиги Ғазначилигида ва унинг ҳудудий бўлинмалари орқали амалга оширилишини йўлга қўйсин;

давлат бюджети ва давлат улуши мавжуд ташкилотлар ҳисобидан молиялаштириладиган спорт тадбирлари учун ажратиладиган маблағларнинг самарали ва мақсадли фойдаланилиши устидан **доимий равишда** давлат молиявий назоратини амалга ошириб борсин.

9. **“Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонаси** (Санакулов)нинг:

Республика Олимпия ва Паралимпия захиралари коллежи ҳудудида жойлашган сув ҳавзасини совутиш-иситиш тизимини таъмирлаш учун 550 млн сўм ажратиш;

Республика Олимпия ва Паралимпия захиралари коллежи ҳудудида сувга сакраш бўйича жаҳон стандартларига жавоб берадиган ихтисослашган янги сув ҳавзасини қуриб бериш;

Жиззах вилоятида жаҳон стандартларига жавоб берадиган янги сув ҳавзасини (сузиш ва сувга сакраш) қуриб бериш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

10. **Бош вазир ўринбосари** (Абдухакимов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** ҳокимларнинг туризм, спорт, маданият, маданий мерос ва оммавий коммуникациялар масалалари бўйича ўринбосарлари фаолиятига танқидий баҳо берган ҳолда уларни эгаллаб турган лавозимига лойиқ ёки нолойиқлиги бўйича асосланган таклифлар киритсин.

11. **Халқ таълими вазирлиги** (Саидов), **Соғлиқни сақлаш вазирлиги** (Мусаев), **Туризм ва спорт вазирлиги** (Каримов), **Ёшлар ишлари агентлиги** (Саъдуллаев), **Миллий паралимпия қўмитаси** (Ташходжаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

**бир ҳафта муддатда** ҳудудларда жойлашган кўзи ожиз ва заиф кўрувчи ўқувчилар таълим оладиган 14 та махсус мактаб-интернатларда, таянч ҳаракатлари ногирон бўлган ўқувчилар таълим оладиган 3 та махсус мактаб-интернатларда ҳамда “Мурувват” ногиронлиги бўлган болалар учун мавжуд бўлган 6 та интернат уйларида таъмир талаб бўлган спорт иншотларини реконструкция қилиш, мавжуд бўлмаганларида спорт иншоотларини қуриш бўйича 2022-2023 йил дастурига таклиф киритиш, спорт жиҳозлари ва спорт инвентарлари билан таъминлаш;

**бир ой муддатда** паралимпия ўйинлари дастурига киритилган (бочча) спорт турини ривожлантириш бўйича спорт клубларини ташкил этиш ва фаолиятини тўлик йўлга қўйиш чораларини кўрсин.

12. **Соғлиқни сақлаш вазирлиги** (Мусаев), **Молия вазирлиги** (Ишметов), **Туризм ва спорт вазирлиги** (Каримов), **Миллий олимпия қўмитаси** (Шаабдурахманов), **Миллий паралимпия қўмитаси** (Тошхўжаев), **спорт турлари бўйича федерация** (уюшма)лари билан биргаликда **икки ой муддатда** хорижий тажрибани ўрганиш асосида спортчилар учун меъёрлаштирилган рационал овқатланиш тизимини такомиллаштириш, ушбу масала бўйича услубий қўлланмаларни, спорт турининг энергетик талабидан қатъи назар, спортчининг индивидуал овқатланиш режимини, уларнинг соғлиги ва жисмоний қобилиятига ижобий таъсир этувчи маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари рўйхатини тасдиқлашни назарда тутувчи Ҳукумат қарорини киритиш юзасидан таклиф киритсин.

13. **Бош вазири ўринбосари, Республика комиссияси раиси ўринбосари** (Абдухакимов):

Ўзбекистон спортчиларини 2024 йилда Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига тайёрлаш жараёнини бориши юзасидан Туризм ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, Миллий паралимпия қўмитаси ҳамда спорт турлари бўйича федерация (уюшмалар) ҳамда тегишли идора ва корхоналар раҳбарлари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги ПҚ–5281-сон қарори ва ушбу қарор билан тасдиқланган Дастурда назарда тутилган ҳамда манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотларнинг зиммасига юклатилган вазифа ва топшириқларни ўз вақтида, сифатли ва тўлик бажарилиши устидан **доимий назорат ўрнатсин**;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги ПҚ–5281-сон қарори ва ушбу қарор билан тасдиқланган Дастурга мувофиқ амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг ижросини **ҳар чоракда** муҳокама қилиш ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш чораларини кўриб бориш юзасидан йиғилишларини ташкил этсин.

14. **Миллий олимпия қўмитаси** (Шаабдурахмонов) хорижий давлатларнинг спорт генетикаси бўйича замонавий тиббий-биологик услублар ва технологияларга эга бўлган илғор компанияларни жалб қилган холда навбатдаги жаҳон ва Осиё чемпионатлари ҳамда Осиё ва Олимпия ўйинларига тайёргарлик кўраётган спортчилар контингенти ҳамда уларнинг ёрдамчи спарринг шерикларини индивидуал генетик ва фенотопик имкониятларини ўрганиб чиқсин.

Бунда, спортчиларнинг индивидуал генетик ва фенотопик имкониятлари ҳамда ирсий хусусиятларини ўрганиш бўйича замонавий услублар ва технологияга эга хорижий юқори тажрибали компанияни жалб этиш учун зарур бўлган маблағлар бюджет маблағлари ҳисобидан ажратилиши белгилаб қўйилсин.

15. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси маблағлари ҳисобидан спортчи ва тренерларга стипендия тўлаш бўйича Степендиал комиссия рўйхати **1 ва 1а-иловага мувофиқ;**

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси маблағлари ҳисобидан спортчи ва тренерларга стипендия тўлаш тартиби тўғрисидаги низом **2-иловага мувофиқ;**

Спортчи ва тренерлар учун тайинланадиган стипендия миқдорлари ва саралаш мезонлари **3 ва 3а-иловага мувофиқ;**

Спорт соҳасида коррупциянинг олдини олиш, Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш жараёнида (мусобақаларни хар бир босқичда ўтказиш, спортчиларни саралаб олиш, тренерларни жалб қилиш, спорт-таълим муассасаларига ўқувчиларни қабул қилиш, норматив ва имтиҳонларни топшириш ва бошқалар) коррупция ҳолатларга қарши курашиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури **4-иловага мувофиқ;**

Олимпия спорт турлари бўйича федерация ва уюшмаларнинг намунавий штатлар жадвали (тавсиявий) **5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

16. Миллий олимпия қўмитаси ва Миллий паралимпия қўмитаси 2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига лицензияни қўлга киритиш учун тайёргарлик кўраётган Ўзбекистон спортчиларига зарурий шарт-шароитлар яратиш мақсадида ҳомий ташкилотларни бириктириш бўйича келишилган ва асосланган таклифларни **10 кун муддатда** Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Олимпия ва Паралимпия ўйинларига пухта тайёргарлик кўриш ҳамда спорт федерация (ассоциация)ларига тегишли шарт-шароитлар яратиш учун бириктириладиган вазирлик, идора ва йирик ташкилотларга Миллий олимпия қўмитаси, Миллий паралимпия қўмитаси, спорт федерация ва ассоциацияларнинг талабномаларига асосан ҳомийлик хайрияларини ажратиш, спортчиларга зарур шарт-шароитлар яратиш, спортчи ва тренерларни рағбатлантириб бориш, спорт турлари бўйича моддий-техника базасини мустаҳкамалаш, уларни спорт жиҳозлари ва инвентарлари билан таъминлаш назарда тутилсин.

17. **Миллий олимпия қўмитаси** (Шаабдурахмонов), **Миллий паралимпия қўмитаси** (Ташходжаев), **Туризм ва спорт вазирлиги** (Каримов), **спорт турлари бўйича федерация ва уюшмалар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан ҳамкорликда:**

олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича спорт федерациялари (ассоциациялари)нинг фаолиятини самарали ташкил мақсадида уларни пастга тушиб ишлашини йўлга қўйсин, спорт турлари бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаларни шакллантиришда адолатлилик ва шаффофликни таъминласин;

спортчиларни мусобақаларга тайёргарлик кўриш жараёнида хорижий тажрибаларга таянган ҳолда **хорижий тренерлар, маҳоратли спарринг спортчиларни** жалб этиш орқали **йил давомида** узлуксиз ўқув-машғулотлар йиғинини ташкил этиш ҳамда ёш ўзбекистонлик тренерларни хорижга тажриба орттиришга юборишни ташкил этсин;

**2021-2024 йиллар давомида** лицензияни қўлга киритиши режалаштирилаётган спортчи ва номзодларни хорижий давлатларда спорт маҳоратини янада ошириш чораларини кўриш, мунтазам рағбатлантириб бориш ва уларга зарур моддий-маиший шарт-шароитларини яратиб берсин ва уларни оилаларидан хабар олиш тизимини яратсин;

**бир ҳафта муддатда** 2024 йилда Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган Олимпия ва Паралимпия ўйинларига йўлланмани қўлга киритиш учун номзод бўлиб турган спортчиларга шарт-шароитлар яратиш, уларнинг оиласидан хабар олиб, мавжуд муаммоларни ҳал этиш ҳамда ташкил этилаётган ўқув-машғулотлари жараёнини доимий **кузатиб борувчи вакилларни бириктириш** юзасидан зарур чоралар кўрсин.

18. **Миллий олимпия қўмитаси ҳузуридаги Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази** (Садиков):

Паралимпия спорт турлари бўйича терма жамоалар спортчиларининг, шунингдек расмий мусобақаларда қатнашувчи тренерлар ва ҳакамларнинг дастлабки танловини, уларни тайёрлаш ва тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил этиш ва амалга оширишни таъминласин.

паралимпия спортчиларига **юқори малакали ёрдам кўрсатиш ва тиббий реабилитация** қилиш масалаларига шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

19. **Миллий паралимпия қўмитаси** (Ташходжаев) 2022 йилдан бошлаб паралимпия спорт турлари бўйича **миллий классификаторларни босқичма-босқич** тайёрлаб бориш юзасидан календарь режага маблағлар киритишни назарда тутсин.

20. **Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси** (Хаджаев), **Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги** (Кучимов), **Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда давлат ва хусусий телевидениялар** (“Zo'r TV”, “Uzreport TV”, “Севимли”, “Маҳалла”, “Дунё бўйлаб”, “Маданият ва маърифат”, “Оилавий”, “Миллий ТВ”, “UZ 24”, “Sport” ва бошқалар) билан ҳамкорликда:

жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга оид кенг тарғибот-ташвиқот ишларини ташкиллаштириш бўйича тадбирларни амалга ошириш;

коронавирус пандемияси оқибатида касалланиш ҳолатлари ҳақида, шунингдек, эрталабки ва кечки сайрларнинг инсон саломатлигига таъсири тўғрисида мунтазам тарғибот-ташвиқот роликларини намойиш этиш;

халқаро ва республика спорт мусобақаларини, шунингдек Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўраётган спортчи ва тренерлар тўғрисида телекўрсатув ва радиоэшиттириш, нашр, ижтимоий реклама каби махсус циклини яратиш орқали кенг ёритиш;

Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш жараёнини мамлакатимизда **“Париж сари йўл”** шиори остида ўтказилиши муносабати билан **оммавий спортдан - профессионал спортга** ўтиш тизимини талқин этувчи ғоя ва ташаббуслар билан бирга спорт фахрийлари, ғолиб ва совриндор бўлган олимпия ва паралимпиячиларни кунлик ҳаёти ва уларни эришган ютукларига бағишланган **“Миллат қаҳрамонлари”** рукни остида махсус телекўрсатувлар ташкил этиш ва барча оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш тавсия этилсин.

21. **Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги** (Пекос) **Туризм ва спорт вазирлиги** (Аккулов) билан биргаликда **ўн кун муддатда** “Соғлом турмуш тарзи” (www.1hls.uz) платформаси фойдаланувчилари учун тўлаб берилаётган бюджет маблағларини янада ҳаққоний тўланишини ташкил этиш учун платформани такомиллаштириш бўйича асосланган таклифлар киритсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги “2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида” ПҚ–5281-сон қарорининг 4-иловасига мувофиқ 2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини тайёрлаш мақсадида спорт федерация (ассоциация)ларига бириктирилган спорт базаларида Республика олий спорт маҳорати мактаблари, Миллий паралимпия қўмитаси ҳамда спорт турлари бўйича федерация (уюшма)ларга олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича терма жамоаларнинг ўкув-йиғин машғулотларини, спорт тадбирларини ташкил этиш билан боғлиқ барча турдаги сарф-харажатларни амалга ошириш учун истисно тариқасида тўғридан-тўғри шартномаларни тузиш орқали ҳамда шартномаларни экспертизадан ўтказмасдан маблағларни молиялаштиришга розилик берилсин.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги “2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида”ги 5281-сонли қарорининг 4-иловаси 29-банди бириктирилган спорт базалари 3-бўлим ҳудудий спорт базаларида **паралимпия спорт турлари бўйича ўқув-машғулотлар йиғинларини ҳамда спорт тадбирлари** қуйидаги тартибда ўтказишда ўзгатиришлар киритилсин:

Ўзбекистон дзюдо федерацияси базаси “Тошкент шаҳри дзюдони ривожлантириш маркази”

Сув спорт турлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаби балансидаги Тошкент денгизи “Туябўғиз сув омбори” спорт база;

Хожикент сув омбори, энергетиклар “Қоранкўл базаси”;

“Water and rowing” спорт клуби;

Ўзбекистон таэквондо федерацияси базаси “Тошкент шаҳри “Универсиал” спорт базаси;

Ўзбекистон киличбозлик федерацияси "Пахтакор" марказий қиличбозлик зали; "Умид" спорт мажмуаси;

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети қиличбозлик зали;

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети пауэрлифтинг зали;

Тошкент вилояти "Замонавий ўқ отиш базаси";

Тошкент шаҳри, Мудофаа вазирлигининг спорт маркази;

"ЖАР" спорт мажмуаси;

Ўзбекистон бадминтон федерацияси маркази,

Ўзбекистон бадминтон федерацияси "Чорсу" спорт базаси;

БЎСММ, ИБЎСМ спорт базалари;

Худудий олимпия ва паралимпия захиралари коллежлари.

24. Миллий олимпия қўмитаси Миллий паралимпия қўмитаси ва спорт турлари бўйича федерациялар (уюшма)ларнинг устав харажатларини амалдаги молиялаштириш тартиби саклаб қолинсин бунда, уларнинг, устави ва жамоат шартномаларида назарда тутилган харажатларини (шу жумладан, ойлик маош миқдорини белгилаш, қўшимча тўловлар ва штатлар жадвалини тасдиқлаш, сафар харажатлари ва бошқалар) молиялаштиришнинг амалдаги тартиби саклаб қолинади.

25. **Қорақалпоғистон Республикаси** Вазирлар Кенгаши (Сариев), **Хоразм вилояти ҳокимлиги** (Эрманов), **Навоий вилояти ҳокимлиги** (Турсунов), **Фарғона вилояти ҳокимлиги** (Бозоров) **ўн кун муддатда**:

Нукус шаҳар 2-сон, Фарғона шаҳар 2-сон, Марғилон шаҳар 1-сон, Фарғона туман 1-сон, Зарафшон шаҳар, Беруний, Қонликўл, Кегейли, Мўйноқ, Тахтакўпир, Тўрткўл, Чимбой, Шуманай, Хозарасп, Нурота, Конимех, Бағдод, Қўштепа, Дангара туманларидаги спорт мактаблари томонидан спорт турлари бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоалари таркибига спортчилар етказиб берилмаганлик ҳолатларини танқидий ўргансин ва муҳокама қилсин;

ўрганиш натижаларига кўра ушбу спорт мактаблари директорларини ишда колиш-қолмаслик масаласи юзасидан Туризм ва спорт вазирлигига асосланган таклиф киритсин.

26. **Қорақалпоғистон Республикаси** Вазирлар Кенгаши (Сариев), **Андижон вилояти ҳокимлиги** (Абдурахмонов), **Навоий вилояти ҳокимлиги** (Турсунов), **Наманган вилояти ҳокимлиги** (Абдуразоқов), **Сирдарё вилояти ҳокимлиги** (Мирзаев) **жорий йил якунига қадар Амударё, Хўжаобод, Чортоқ, Гулистон** ва **Нурота** туманларида аҳолининг пиёда ва велосипедда юриши учун "Саломатлик йўлаклари"ни фойдаланишга топширсин.

27. **Тошкент шаҳар ҳокимлиги** (Артикходжаев) Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг орттириб бажарилган маблағлари ҳисобидан спорт заллари, маданият уйлари ва сузиш ҳавзаларини қуриш тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

**2022 йилда** Тошкент шаҳрида барча қулайликларга эга бўлган замонавий **"Йога маркази"**ни фойдаланишга топшириш чораларини кўрсин.

28. **"Чорвоқ" эркин туристик зонаси дирекцияси** томонидан жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг паралимпия спорт турлари билан шуғулланиши учун туристик зона ҳудудидан **50 гектар** ер участкаси танланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

**Бош вазир ўринбосари** (Абдухакимов), **"Чорвоқ"** эркин туристик зонаси дирекцияси (Нагаев), **Паралимпия қўмитаси** (Ташходжаев) **бир ой** туристик зона ҳудудидан танланган 50 гектар ер участкасида паралимпия спорт турлари билан шуғулланиш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилишини назарда тутиш шарти билан тадбиркорлик субъектлари рўйхатини шакллантирсин ва уларга истисно тариқасида бепул ажратиш чораларини кўрсин.

**Паралимпия қўмитаси** (Ташходжаев) паралимпия спорт турлари билан шуғулланиши учун зарур бўлган бино иншоотлар ҳамда асбоб-ускуна ва анжомлар рўйхатини шакллантирсин.

29. **Давлат божхона қўмитаси** (Мавлонов), **Ивестициялар ва ташқи савдо вазирлиги** (Қудратов), **Молия вазирлиги** (Абрўев)га, **Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон бокс федерацияси томонидан тақдим этилган талабномасига мувофиқ** 2022 йил 20-30 январь кунлари Тошкент шаҳридаги "Универсал" спорт саройида бокс бўйича U-22 Осиё чемпионати учун инсонпарварлик ёрдами юкларини (спорт анжомлари) Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 декабрдаги 786-сон қарори талаблари асосида олиб кирилишига рухсат берилсин.

30. **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига:**

2021–2025 йилларда ҳудудларда бадминтон, стритбол ва "Workout" спорт турлари учун спорт майдончаларини ташкил этиш параметрларига мувофиқ, шу жумладан, жисмоний имконияти чекланган шахсларни инобатга олган ҳолда объектларни белгиланган муддатларда фойдаланишга топшириш чораларини кўрсин.

Бунинг учун, **бир ой муддатда** туманлар ва шаҳарлар бўйича спорт майдончаларини ташкил этишни назарда тутувчи 2021–2025 йилларда амалга оширилиши мўлжалланган ҳудудий манзилли дастурларни тасдиқласин;

**Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги** билан биргаликда спорт майдончаларидан аҳолининг барча қатламларини самарали фойдаланишини ташкил этиш чораларини кўрсин;

спортчилар маҳоратини ошириши, етарли малака ва кўникмаларга эга бўлиши учун **ҳар йили** спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаларига мувофиқ ҳудудий спорт мусобақаларини тўлиқ ҳажмда молиялаштириш ҳамда юқори савияда ўтказиш чораларини кўрсин;

барча турдаги спорт мактаблари томонидан спорт турлари бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоалари таркибига спортчилар етказиб берилиши ҳолатини ҳар чоракда муҳокама қилиб борсин;

**бир ҳафта муддатда** туман ва шаҳар ҳокимлари, спорт федерациялари билан биргаликда жойларда спортни ривожлантириш бўйича ўз иш режаларини ишлаб чиқсин, иқтидорли спортчиларни аниқлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳудуднинг тажрибасини яратсин;

**2021-2024 йиллар давомида** 2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига йўлланмани (лицензия) қўлга киритиши режалаштирилаётган номзод спортчиларни мунтазам рағбатлантириб бориш ва уларга зарур моддий-маиший шарт-шароитларини яратган ҳолда уларнинг оилаларидан хабар олинишини таъминласин;

Тошкент шаҳрида маҳаллий бюджетининг орттириб бажарилган маблағлари ҳисобидан 2022 йилда фойдаланишга топшириладиган спорт заллари, маданият уйлари ва сузиш ҳавзаларининг қурилиши бўйича Тошкент шаҳар тажрибасидан кенг фойдаланган ҳолда ўз ҳудудларда ушбу ишларни амалга оширсин.

31. **Туризм ва спорт вазирлиги** (Каримов), **Миллий олимпия қўмитаси** (Шаабдурахмонов), **Миллий паралимпия қўмитаси** (Ташходжаев) билан биргаликда ушбу йиғилиш баёни бажарилиши бўйича таҳлилий маълумотларни ҳар ойнинг 5-санасигача Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

32. Ушбу мажлис баёни ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – туризм ва спорт вазири А.А. Абдухакимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил "10" декабрдаги
342-сон йиғилиш баёнига
1-илова

**Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси таркибидаги спортчи ва тренерларга стипендия тўлаш бўйича стипендиал комиссияси**

**РЎЙХАТИ**

| № | Ф.И.Ш | | Лавозими |
|---|---|---|---|
| 1. | Ш.Ташматов | - | Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси раис ўринбосари, *Комиссия раиси* |
| 2. | Ш.Нарзиева | - | Ўзбекистон Республикаси туризм ва спорт вазирлиги бошқарма бошлиғи, *Комиссия раиси ўринбосари* |
| 3. | Р.Мустаев | - | Ўзбекистон гимнастика федерацияси раиси в.б., *комиссия аъзоси* |
| 4. | А.Абдувалиев | - | Ўзбекистон енгил атлетика федерацияси раиси, *комиссия аъзоси* |
| 5. | Ш.Махмудов | - | Ўзбекистон оғир атлетика федерацияси раисининг биринчи ўринбосари, *комиссия аъзоси* |
| 6. | З.Қахрамонов | - | Ўзбекистон дзюдо федерацияси раиси ўринбосари, *комиссия аъзоси* |
| 7. | М.Мамадалиев | - | Ўзбекистон бокс федерацияси бош котиби, *комиссия аъзоси* |
| 8. | Ш.Мамадалиев | - | Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси бош котиби, *комиссия аъзоси* |
| 9. | К.Ўринбойхужаев | - | Ўзбекистон велосипед спорти федерацияси бош котиби, *комиссия аъзоси* |
| 10. | Г.Саидова | - | Ўзбекистон қиличбозлик федерацияси бош котиби, *комиссия аъзоси* |
| 11. | И.Тулаганова | - | Ўзбекистон теннис федерацияси бош котиби, *комиссия аъзоси* |
| 12. | В.Дидрих | - | Ўзбекистон "ROWING & CANOE" федерацияси Бош котиби, *комиссия аъзоси* |
| 13. | А.Ганиев | - | Ўзбекистон сузиш федерацияси бош котиби, *комиссия аъзоси* |
| 14. | М.Давронов | - | Ўзбекистон ўқ отиш федерацияси бош котиби, *комиссия аъзоси* |
| 15. | С.Сулаймонов | - | Ўзбекистон таэквондо WT ассоциацияси бош котиби, *комиссия аъзоси* |
| 16. | Лавозим бўйича | - | Миллий Олимпия қўмитаси Олимпия спорт турлари фаолиятини координация қилиш департаменти директори (комиссия котиби), *комиссия аъзоси* |

***Изоҳ:** Комиссия раиси, раис ўринбосари ва аъзолари бошқа ишга ўтганда ўрнига қўйилган шахс комиссия таркибига киритилади, шунингдек Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси Ижроия қўмитаси Стипендиал комиссия таркибига ўзгартириш, қўшимчалар киритиш ҳуқуқига эга.*

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил "10" декабрдаги
242-сон йиғилиш баёнига
1а-илова

**Ўзбекистон Миллий Паралимпия қўмитаси таркибидаги спортчи ва тренерларга стипендия тўлаш бўйича стипендиал комиссияси**
**РЎЙХАТИ**

| № | Ф.И.Ш | Лавозими |
|---|---|---|
| 1. | О.Эргашев | - Ўзбекистон Миллий Паралимпия қўмитаси раиси ўринбосари, *Комиссия раиси* |
| 2. | Ф.Ахмедов | - Ўзбекистон Миллий Паралимпия қўмитаси Бош котиби, *Комиссия раиси ўринбосарлари* |
| 3. | З.Мажидов | - Ўзбекистон Республикаси туризм ва спорт вазирлиги Паралимпия спорт турларини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси |
| 3. | А.Ниязов | - Ўзбекистон Миллий Паралимпия қўмитаси Паралимпия спорт турларинин ривожлантириш дератаменти деректори, *комиссия аъзоси* |
| 4. | *Лавозимга кўра* | - Ўзбекистон Миллий Паралимпия қўмитаси Ички назорат департаменти деректори, *комиссия аъзоси* |
| 5. | Н.Худайкулов | - Ўзбекистон Миллий Паралимпия қўмитаси Паралимпия спорт турларинин ривожлантириш дератаменти деректор ўринбосари |
| 6. | А.Мурсакулов | - Пара спорт клуби раҳбари, *комиссия аъзоси* |
| 7. | Д.Абдуллаев | - Пара спорт клуби раҳбари, *комиссия аъзоси* |
| 8. | Ш.Шатурсунов | - Пара спорт клуби раҳбари, *комиссия аъзоси* |
| 9. | О.Касимов | - Миллий Паралимпия қўмитаси Паралимпия спорт турларинин ривожлантириш дератаменти мутахассиси (комиссия котиби), *комиссия аъзоси* |

***Изоҳ:*** *Комиссия раиси, раис ўринбосари ва аъзолари бошқа ишга ўтганда ўрнига қўйилган шахс комиссия таркибига киритилади, шунингдек Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси Ижроия қўмитаси Стипендиал комиссия таркибига ўзгартириш, қўшимчалар киритиш ҳуқуқига эга.*

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил "10" декабрдаги
242-сон йиғилиш баёнига
2-илова

# Олимпия ва Паралимпия ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари бўйича Ўзбекистон спортчилари ҳамда тренерларига стипендиялар тўлаш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

## I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги "2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида"ги ПҚ–5281-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Низом Олимпия ва Паралимпия ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари бўйича Ўзбекистон терма жамоалари таркибидаги спортчиларга ва уларни тайёрлаган тренерларига стипендия шаклидаги ойлик тўловларни тайинлашнинг асосий тамойиллари ва мезонларини, шунингдек, уларни тўлаш тартибини белгилайди.

3. Ушбу Низом ички меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Миллий Паралимпия қўмитаси томонидан бажариш учун мажбурий ҳисобланади.

4. Мазкур Низомда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

**Республика комиссияси** – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги "2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида"ги ПҚ–5281-сон қарорига асосан тузилган комиссия;

**стипендиал комиссиялар** – спортчи ва тренерлар стипендиясини белгилаш мақсадида Республика комиссияси томонидан 5 (беш) кишидан кам бўлмаган таркибда Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон Миллий Паралимпия қўмитаси ижро орган функцияларини амалга оширувчи комиссия;

**спортчи** – танлаган спорт тури ёки спорт турлари билан мунтазам шуғулланадиган, доимо ўзининг спорт маҳоратини ошириб борадиган ва спорт тадбирларида қатнашадиган жисмоний шахс;

**тренер** – ўқув-машқ, оммавий жисмоний тарбия тадбирларини ўтказишни, шунингдек спорт натижаларига эришиш учун беллашув фаолиятига раҳбарликни амалга оширувчи жисмоний шахс;

**хорижий мутахассис** – бошқа мамлакатнинг амалий спорт тажрибасига эга бўлган спорт соҳасидаги мутахассис, шу жумладан спортчини ёки спорт жамоасини тайёрлаш масалалари бўйича, шунингдек спортчилар спорт

мусобақаларида қатнашиши жараёнида маслаҳатлар берувчи спорт турлари бўйича мутахассис;

**Ўзбекистон терма жамоалари** – турли ёш гуруҳларига тегишли спортчилар, тренерлар, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги олимлар ва бошқа мутахассислар, тиббиёт мутахассислари ҳамда бошқа мутахассислардан иборат бўлган, мусобақаларга ҳамда оммавий-жисмоний тарбия тадбирларига тайёрланиш ва уларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида қатнашиш мақсадида ташкил этиладиган турли ташкилотларнинг жамоалари (жумладан, Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги томонидан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикасининг терма жамоалари);

**ваколатли орган** – Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон Миллий Паралимпия қўмитаси;

**саралаш мезонлари** – спорт тадбирларида эгалланган натижалар доирасида ойлик пул таъминоти миқдорини белгилайдиган (спортчи ва тренерлар учун алоҳида), Республика комиссияси томонидан тасдиқланадиган мезонлар;

**стипендия** – Республика комиссияси томонидан тасдиқланадиган миқдорларда ва саралаш мезонлари асосида, Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланган бошқа тўловлар тўланишидан қатъий назар, тайинланадиган ойлик пул таъминоти;

**жисмоний реабилитация** – одам организмининг бузилган ёки вақтинча йўқотилган функцияларини ҳамда ногиронларнинг ва жисмоний имкониятлари чекланган бошқа шахсларнинг ижтимоий ҳамда касбий фаолиятга бўлган қобилиятларини жисмоний тарбия ва спорт воситалари ҳамда усулларидан фойдаланган ҳолда тиклаш (тузатиш ва компенсация қилиш);

**спортчининг дисквалификацияси** – спорт тури қоидаларини ёки спорт мусобақалари тўғрисидаги низомларни (регламентларни) ёхуд халқаро спорт ташкилотлари томонидан тасдиқланган допингга қарши қоидаларни ёки республика спорт федерациялари (уюшмалари) томонидан тасдиқланган нормаларни бузганлик учун спортчини спорт мусобақаларида иштирок этишдан спортнинг тегишли тури бўйича халқаро спорт федерацияси (уюшмаси) ёки спортнинг тегишли тури бўйича республика спорт федерацияси (уюшмаси) томонидан амалга ошириладиган четлаштириш.

**тренер дисквалификацияси** – спорт тадбирлари қоидаларини ёки спорт мусобақалари тўғрисидаги низомларни (регламентларни) ёхуд ўзига бириктирилган спортчиси халқаро спорт ташкилотлари томонидан тасдиқланган допингга қарши қоидаларни бузганда ёки иқтидорли спортчини ўзига бириктирилишида ёки спортчи танловини очиқ ва шаффоф ҳолда ўтказилиши (ўтказилмаслиги)да, спорт мусобоқалари натижаларига коррупция орқали натижага эришишга йўл қўйганлиги ҳамда спортчиларнинг ота-оналари ёки унинг васийлари (хомийлари)ни турли

нопок йўллар билан ўзига оғиштириб олиш аниқланган тақдирда амалга ошириладиган четлаштириш.

## II. Асосий мақсад ва вазифалар

5. Олимпия ва Паралимпия ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари бўйича спортчилар, тренерларга ҳар ой тўланадиган стипендиялар тўлови қуйидаги асосий мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб амалга оширилади:

халқаро ва республика мусобақаларига тайёргарлик кўриш ҳамда уларда иштирок этишда Ўзбекистон терма жамоалари таркибининг жисмоний, техник-тактик ва психологик тайёргарликлари даражасини ошириш;

мутахассислар тайёрлаш сифатини янада ошириш учун зарур шарт-шароитларини яратиш;

спортчилар ва тренерларни юқори спорт натижаларига эришишга рағбатлантириш;

иқтидорли спортчиларни излаб топиш ва тайёрлашда рағбатлантириш.

## III. Стипендияларни тўлашда молиявий воситаларни шакллантириш

6. Мазкур Низом асосида спортчи, тренерлар ва хорижий мутахассисларга стипендиялар тайинлаш ва уларга тўловларни амалга ошириш учун молиявий маблағлар Республика комиссияси қарорларига мувофиқ, ваколатли орган томонидан, бириктирилган масъул ва бошқа ҳомий ташкилотларнинг маблағлари ва бюджет маблағлари ҳисобига шакллантирилади.

7. Мазкур Низом асосида спортчи, тренерлар ва хорижий мутахассисларга стипендиялар тайинлаш ва уларни тўловини амалга ошириш учун молиявий маблағлар халқаро ташкилотлар ҳамда молиявий институтларнинг грантлари, беғараз ёрдамлари, шунингдек, қонунчиликда таъқиқланмаган бошқа манбалар эвазига шакллантирилиши ҳам мумкин.

## IV. Стипендияларни тайинлашнинг асосий тамойиллари, мезонлари ва тўлаш тартиби

8. Стипендиялар шаклидаги ҳар ойлик тўловлар Олимпия ва Паралимпия ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари бўйича Ўзбекистон Республикаси терма жамоалари асосий ва захира таркибидаги спортчилар, уларнинг тренерларига ва хорижий мутахассисларига тайинланади.

Спортчи ва тренерлар орасида соғлом рақобатни кучайтириш, бунинг натижасида юқори малакали спортчиларни тарбиялаш мақсадида, Ўзбекистон терма жамоа аъзоси ҳисобланмаган, лекин спорт тури билан шуғулланувчи, бошқа ташкилотлар спорт жамоасига кирувчи иқтидорли ва истиқболли спортчиларга ва уларнинг тренерларига Стипендиал комиссиянинг алоҳида қарори билан стипендиялар тайинланиши мумкинлиги белгилаб ўтилсин.

9. Ваколатли орган раиси Стипендиал комиссия ёки Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси ва Миллий паралимпия қўмитаси Ижроқўми тавсиясига кўра жорий йил учун тасдиқланган стипендия фонди доирасида иқтидорли, истиқболли ва жамият ҳаётида фаол бўлган спортчилар, уларнинг тренерлари ва хорижий мутахассисларига, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси қошидаги спорт клублари ва терма жамоага *(ёш иқтидорли паралимпия спортчиларини жалб этган ҳолларда)*, Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитасининг ҳамда Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитасининг **"Махсус стипендияси"**ни ҳамда Олимпия ва паралимпия ўйинларига лицензияни қўлга киритган спортчиларга бир марталик пул мукофотини тайинлаш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон Миллий Паралимпия қўмитасининг махсус стипендияси саралаш мезонлари асосида белгиланган стипендияга қўшимча равишда спортчилар, уларнинг тренерларига ва хорижий мутахассисларига тайинланиши ва тўланиши мумкин.

10. Спортчи, тренерлар ва хорижий мутахассислар учун стипендиялар миқдорини белгилаш, стипендияни тайинлаш ва уни тўлаш Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси – сўмда амалга оширилади.

11. Стипендиялар ваколатли органнинг хизмат кўрсатувчи банкида очиладиган ёки очилган стипендиантларинг шахсий пластик карточкаларига ёки жамғарма китобчаларига молиявий маблағларни ўтказиш йўли билан ваколатли орган томонидан амалга оширилади.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги "2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида"ги ПҚ–5281-сон қарорига мувофиқ олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича терма жамоа таркибидаги спортчи, тренерлар ва бошқа мутахассисларга тайинланган ва тўланган, стипендия кўринишидаги даромадлари ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари, шунингдек, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғига тортилмайди.

Мазкур Низомнинг 8-бандининг иккинчи хатбошида келтирилган ҳолларда тайинланган ва тўланган стипендиялар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғига тортилиши, шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари хисобланмаслиги белгилаб ўтилсин.

13. Стипендиялар шаклидаги ойлик тўловларни спортчилар, тренерлар ва хорижий мутахассисларга тайинлаш ва ёки беришни бекор қилиш тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорлар Стипендиал комиссия томонидан қабул қилинади.

Стипендиал комиссия томонидан тасдиқланган стипендияларни тайинлаш тўғрисидаги баённома, ваколатли орган учун ўзининг тегишли

қарорини қабул қилиш, стипендия маблағларини ўтказишни тўхтатишга асос ҳисобланади.

14. Стипендиал тайинлаш комиссияси йиғилиши агар унда комиссия аъзоларининг 2/3 (учдан икки) қисми иштирок этсагина ҳақиқий ҳисобланади.

Қарорлар очиқ овоз бериш йўли орқали қабул қилинади. Агар овоз беришда Стипендиал тайинлаш комиссиясининг йиғилишда иштирок этаётган аъзоларининг кўпчилиги оддий овоз бериш йўли билан қарорни “ёқлаб” овоз берса, комиссия қарори қабул қилинган деб ҳисобланади. Овозлар тенг бўлиб қолган вазиятда Стипендиал тайинлаш комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи кучга эга бўлади.

15. Стипендал тайинлаш комиссияси спорт турлари бўйича республика федерациялари (уюшмалари, марказлари ва ҳ.з.), Ваколатли орган томонидан спортчилар ва тренерларга стипендиялар тайинлаш тўғрисида тақдим этилган таклифлари асосида қарорлар қабул қилади.

16. Спортчи, тренерлар ва хорижий мутахассисларга стипендия тайинлаш, агар Стипендиал тайинлаш комиссияси қарори билан бошқа қарор кўзда тутилмаса, ҳар чоракда бир маротаба ўтказилади.

17. Стипендиал тайинлаш комиссияси йиғилишлари заруриятга кўра, лекин 1 (бир) йилда камида икки маротаба ўтказилади. Комиссиянинг навбатдан ташқари йиғилишлари комиссия раиси томонидан чақирилади.

18. Спортчиларга стипендиялар уларнинг ўтган спорт мавсумида расмий халқаро мусобақалардаги иштирокларига қараб 1 (бир) йил муддатга тайинланади. Спортчиларга стипендиялар тайинлаш Республика комиссияси томонидан тасдиқланган мезонлар асосида амалга оширилади. Мазкур Низом мақсадларида кўзда тутилган мезонларнинг бир нечта бандлари бўйича натижаларга эга спортчиларга Миллий Олимпия қўмитаси ва Миллий Паралимпич қўмитасининг махсус стипендиясидан ташқари фақат битта стипендия тайинланади.

19. Спортчиларга стипендиялар тўлаш қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

натижаларнинг пасайиб кетиши;

терма жамоалари рўйхатидан чиқиб кетиши;

интизом тартибининг бузилиши;

мақсадли спорт тайёргарлигининг тўхтатилиши;

спортчи дисквалификация қилинганда;

Паралимпия йўналиши бўйича ногиронликлари бўйича классификациядан ўта олмаган ва классификация муддати тугаган спортчилар;

Халқаро паралимпия қўмитаси қарорига мувофиқ паралимпия спорт турлари классификациядан чиқариб ташланса ёки ўзгартириш киритилган тақдирда стипендияни тўхтатишга асос бўлади.

спорт турлари бўйича тренерлар Кенгаши томонидан тегишли қарорнинг қабул қилиниши;

Стипендиал тайинлаш комиссияси томонидан тегишли қарорнинг қабул қилиниши.

20. Тренерларга стипендиялар (жумладан хорижий мутахассисга) бир неча спортчилари халқаро мусобақаларда юқори натижаларга эришганликларидан қатъий назар фақат 1 (бир) нафар спортчиси учун ўтган спорт мавсумида расмий халқаро мусобақаларда иштироклари якунларига кўра 1 йил (бир) муддатга тайинланади.

Шунингдек, халқаро мусобақаларда ғолиб ва совриндор бўлган қатор спортчиларни (беш ва ундан ортиқ) тарбиялаган тренерлар (жумладан хорижий мутахассис) учун қўшимча стипендиялар тайинланиши мумкин. Бунда, тренерга стипендиялар фақат 2 нафар спортчидан ошмаган ҳолда тайинланади.

Тренерлар (жумладан хорижий мутахассис)га стипендияларни, шу қаторда қўшимча стипендияларни тайинлаш Республика комиссияси томонидан тасдиқланган мезонлар асосида амалга оширилади.

21. Тренерларга стипендиялар тўлаш қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

бириктирилган спортчи ва бир гуруҳ спортчилар натижаларининг пасайиб кетиши;

бириктирилган спортчи ва бир гуруҳ спортчиларнинг терма жамоалар рўйхатидан чиқиб кетиши;

интизом тартибининг бузилиши;

тренерлик меҳнат фаолиятининг тўхтатилиши;

тренер дисквалификацияси қилинганда;

спорт турлари бўйича тренерлар Кенгаши томонидан тегишли қарорнинг қабул қилиниши;

тренерларга бириктирилган спортчи ёки бир гуруҳ спортчиларнинг ногиронликлари бўйича классификациядан ўта олмаган ва классификация муддати тугаган спортчилари бўлса;

Стипендия тайинлаш комиссияси томонидан тегишли қарорнинг қабул қилиниши.

22. Режада кўзда тутилган республика ва халқаро спорт тадбирлари даврида иштирок этаётган спортчилар, тренер ва хорижий мутахассисларда стипендия олиш ҳуқуқи сақлаб қолинади.

23. Тиббий даволанишда бўлган шу қаторда тикланишни ўтаётган спортчилар стипендияси, тайинланган миқдорда, Стипендиал комиссиянинг қарорига кўра тўхтатилиши ёки сақланиб қолиши мумкин. Мазкур банд шартлари даволанаётган ва тикланаётган спортчиларнинг тренерларига ҳам қўлланилади.

Бунда, Спортчилар соғлиқларини тиклашлари учун врачларнинг тавсиясига кўра 6 ойдан ортиқ муддатга ёки спортчининг соғлиги ёмонлашганлиги сабабли спорт билан шуғулланиши тўхтатган спортчилар ва уларнинг тренерлари учун стипендиялар берилиши вақтинчалик тўхтатилади.

Бунинг учун Ваколатли орган спорт федерация ва уюшмалари маълумотномаларига асосан Стипендиал комиссияни ўз вақтида спортчининг тиббий даволаниш ва тикланишни ўтаётганлиги тўғрисида хабардор қилиши лозим.

## V. Ҳисобга олиш ва ҳисобот, назорат

24. Ваколатли орган стипендия шаклида спортчилар ва тренерларга тўланадиган тўловлар учун кўзда тутилган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланиш Мониторингини мунтазам равишда амалга оширади.

25. Ваколатли орган молиявий фаолият ва стипендия тўлаш учун кўзда тутилган пул маблағларининг тўғри сарфланиши учун жавобгар ҳисобланади.

26. Стипендиялар тайинлаш учун илтимосномаларнинг тўғри расмийлаштирилиши, барча тегишли ҳужжатларни ҳаққонийлигига, шунингдек, зарур маълумотларнинг ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик спорт турлари бўйича республика спорт федерациялари (уюшмалари, марказлари ва х.з.) ҳамда Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитасининг пара спорт турлари бўйича спорт клублари зиммасига юклатилади.

## VI. Якуний қоидалар

27. Стипендиал комиссия, мазкур Низомнинг 6 ва 7-бандларига мувофиқ шакллантирилган маблағларнинг умумий ҳажмидан келиб чиқиб, спортчилар ва тренерлар (жумладан хорижий мутахассислар) учун тўланадиган стипендиялар миқдорини камайтириш ҳуқуқига эга.

28. Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон Миллий Паралимпия қўмитаси Ижроия қўмитаси Стипендиал комиссия таркибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқига эга.

29. Мазкур Низомда кўзда тутилмаган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги доирасида чора-тадбирлар кўрилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “10” декабрдаги
242-сон йиғилиш баёнига
3-илова

**Олимпия ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари бўйича спортчилар ва уларнинг тренерларига белгиланган стипендия миқдорлари ва мезонлари**

| № | Натижалар | Спортчилар учун стипендия миқдори *(сўм ҳисобида, бир ой учун)* | Тренерлар учун стипендия миқдори *(сўм ҳисобида, бир ой учун)* |
|---|---|---|---|
| 1. | Олимпия ўйинлари 1-ўрин | 15 000 000 сўм | 7 500 000 сўм |
| 2. | Олимпия ўйинлари 2-ўрин | 10 000 000 сўм | 5 000 000 сўм |
| 3. | Олимпия ўйинлари 3-ўрин | 7 000 000 сўм | 3 500 000 сўм |
| 4. | Жаҳон чемпионатлари 1-ўрин | 10 000 000 сўм | 5 000 000 сўм |
| 5. | Жаҳон чемпионатлари 2-ўрин | 8 000 000 сўм | 4 000 000 сўм |
| 6. | Жаҳон чемпионатлари 3-ўрин | 6 000 000 сўм | 3 000 000 сўм |
| 7. | Осиё ўйинларида 1-ўрин | 5 000 000 сўм | 2 500 000 сўм |
| 8. | Осиё ўйинларида 2-ўрин | 4 000 000 сўм | 2 000 000 сўм |
| 9. | Осиё ўйинларида 3-ўрин | 3 000 000 сўм | 1 500 000 сўм |
| 10. | Ўсмирлар Олимпия ўйинлари 1-ўрин | 4 000 000 сўм | 2 000 000 сўм |
| 11. | Ўсмирлар Олимпия ўйинлари 2-ўрин | 3 000 000 сўм | 1 500 000 сўм |
| 12. | Ўсмирлар Олимпия ўйинлари 3-ўрин | 2 000 000 сўм | 1 000 000 сўм |
| 13. | Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси махсус стипендияси:<br>*(Осиё чемпионати, Ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионати, ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатларида 1-2-3 ўринлар ҳамда Париж-2024 Олимпия ўйинларига йўлланма қўлга киритиш ҳамда ғолиб ва совринли ўринларни эгаллаши учун имконияти бор спортчиларнинг тренерларига стипендиал комиссияси қарорига асосан стипендия миқдори тайинланади)*<br>*(спортчилари халқаро нуфузли мусобақаларда юқори натижаларга эришганда ҳамда Олимпия ўйинларига йўлланмаларни қўлга киритганда, стипендиал комиссия қарорига асосан бир марталик пул мукофоти тайинланади)*<br>*(миллий терма жамоаларга жалб этилган хорижий тренер-мутахассисларининг меҳнатига ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 30 декабрдаги 346-сон қарори билан тасдиқланган меъёрларда ошган қисми (баъзи ҳолларда ойлик маошининг тўлиқ қисми) стипендиал комиссия қарорига асосан стипендия миқдори тайинланади.* | 1 000 000 сўмдан<br>200 000 000 сўмгача | 1 000 000 сўмдан<br>100 000 000 сўмгача |
| 14. | **Олимпия ўйинларига йўлланма (лицензия) қўлга киритган спортчилар ва уларнинг тренерларига (бир марталик)** | 200 000 000 сўм | 100 000 000 сўм |

***Изоҳ.***

1. 1-12 бандларда кўрсатилган халқаро спорт мусобақаларида эришган натижаси учун спортчига тўланадиган маблағлар Халқаро федерациялар, ХОҚ, ООК томонидан ташкил этилган охирги мусобақалардаги натижаси учун берилади. Халқаро мусобақаларда юқори натижаларга эришган спортчиларнинг йил давомида жаҳон ва осиё миқиёсидаги мусобақалардаги натижалари пасайиб борса комиссия қарорига асосан спортчилар ва уларнинг тренерларига тўланадиган стипендия миқдори қисқариб боради ёки тўлаш тўхтатилади.

2. Миллий терма жамоа спортчилари шартномаларидаги маблағлар стипендия кўринишида тўланиши инобатга олинсин.

3. Спортчилар билан тузилган шартнома шартларидаги маблағлар миқдорига спортчининг натижалари динамик ўсиши (Олимпия ўйинлари нормативлари, жаҳон чемпионатлари, осиё ўйинлари нормативлари ва бошқа нуфузли мусобақалардаги натижалари)га қараб Республика федерация (ассоциация)лар таклифларини инобатга олган ҳолда стипендиал комиссия қарорига асосан қўшимча стипендия миқдори тайинланади.

4. Ҳар чоракда камида бир марта стипендиал комиссия йиғилиши ўтказилиши белгилаб қўйилсин. Стипендия оладиган спортчилар ва уларнинг тренерлари рўйхати ва уларга тўланадиган стипендия миқдори веб-сайт орқали эълон қилиб борилиши шарт.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил "10" декабрдаги
242-сон йиғилиш баёнига
3а-илова

**Паралимпия ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари бўйича спортчилар ва уларнинг тренерларига белгиланган стипендия миқдорлари ва мезонлари**

| № | Натижалар | Спортчилар учун стипендия миқдори (*сўм ҳисобида, бир ой учун*) | Тренерлар учун стипендия миқдори (*сўм ҳисобида, бир ой учун*) |
|---|---|---|---|
| 1. | Паралимпия ўйинлари 1-ўрин | 15 000 000 сўм | 7 500 000 сўм |
| 2. | Паралимпия ўйинлари 2-ўрин | 10 000 000 сўм | 5 000 000 сўм |
| 3. | Паралимпия ўйинлари 3-ўрин | 7 000 000 сўм | 3 500 000 сўм |
| 4. | Жаҳон чемпионатлари 1-ўрин | 10 000 000 сўм | 5 000 000 сўм |
| 5. | Жаҳон чемпионатлари 2-ўрин | 8 000 000 сўм | 4 000 000 сўм |
| 6. | Жаҳон чемпионатлари 3-ўрин | 6 000 000 сўм | 3 000 000 сўм |
| 7. | Параосиё ўйинларида 1-ўрин | 5 000 000 сўм | 2 500 000 сўм |
| 8. | Параосиё ўйинларида 2-ўрин | 4 000 000 сўм | 2 000 000 сўм |
| 9. | Параосиё ўйинларида 3-ўрин | 3 000 000 сўм | 1 500 000 сўм |
| 10. | Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитасининг махсус стипендияси (Паралимпия ўйинларига йўлланмаларни қўлга киритиш, ғолиб ва совринли ўринларни эгалаши учун имконияти бор ҳамда истиқболли спортчилар ва уларнинг тренерлари ҳамда Миллий паралимпия қўмитаси қошидаги спорт клублари ва терма жамоа аъзоларига. | 1 000 000 сўмдан<br>5 000 000 сўмгача | 1 000 000 сўмдан<br>2 500 000 сўмгача |
| 11. | Паралимпия ўйинларига йўлланма (лицензия) қўлга киритган спортчилар ва уларнинг тренерларига (бир марталик) | 200 000 000 сўмгача | 100 000 000 сўмгача |
| 12. | Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси:<br>**** (паралимпия бўйича миллий терма жамоаларга жалб этилган хорижий тренер-мутахассисларининг меҳнатига ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 30 декабрдаги 346-сон қарори билан тасдиқланган меъёрларда ошган қисми (баъзи ҳолларда ойлик маошининг тўлиқ қисми) стипендиал комиссия қарорига асосан стипендия миқдори тайинланади.* | | |

***Изоҳ.***

1. 1-9 бандларда кўрсатилган халқаро спорт мусобақаларида эришган натижаси учун спортчига тўланадиган маблағлар Халқаро федерациялар, ХПК, ОПҚ томонидан ташкил этилган охирги расмий мусобақалардаги натижаси учун берилади. Халқаро мусобақаларда юқори натижаларга эришган спортчиларнинг йил давомида Пара жаҳон ва Пара осиё миқиёсидаги мусобақалардаги натижалари пасайиб борса комиссия қарорига асосан спортчилар ва уларнинг тренерларига тўланадиган стипендия миқдори қисқариб боради ёки тўлаш тўхтатилади.

2. Миллий терма жамоа спортчилари билан тузилган шартномалардаги маблағлар стипендия кўринишида тўланиши инобатга олинсин.

3. Спортчилар билан тузилган шартнома шартларидаги маблағлар миқдорига спортчининг натижалари динамик ўсиши (Паралимпия ўйинлари нормативлари, жаҳон чемпионатлари, Параосиё ўйинлари нормативлари ва бошка нуфузли мусобақалардаги натижалари)га қараб Миллий паралимпия қўмитаси қошидаги спорт клублари таклифларини инобатга олган ҳолда стипендиал комиссия қарорига асосан қўшимча стипендия миқдори тайинланади.

4. Ҳар чоракда камида бир марта стипендиал комиссия йиғилиши ўтказилиши белгилаб қўйилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил "10" декабрдаги
242-сон йиғилиш баёнига
4-илова

**Спорт соҳасида коррупциянинг олдини олиш, Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш жараёнида (мусобақаларни ҳар бир босқичда ўтказиш, спортчиларни саралаб олиш, тренерларни жалб қилиш, спорт-таълим муассасаларига ўқувчиларни қабул қилиш, норматив ва имтиҳонларни топшириш ва бошқалар) коррупция ҳолатларга қарши курашиш бўйича комплекс чора-тадбирлар**

**ДАСТУРИ**

| Т/р | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| **I. Спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернатлари, футбол бўйича олий спорт маҳорати мактаблари ва Олимпия ва Паралимпия захиралари коллежларига ўқувчиларни қабул қилиш ва мусобақаларни ўтказиш** | | | | |
| 1. | “Спорт таълим муассасаларига ўқувчиларни онлайн қабул қилиш” бўйича ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва электрон хизматни Ягона интерактив давлат хизматлари порталига интеграция қилиш. | 1. Лойиҳаолди ўрганишни ва маълумотлар таҳлилини амалга ошириш.<br>2. Лойиҳа-техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш.<br>3. Лойиҳани босқичма-босқич жорий этиш ва электрон ҳукумат ахборот тизимлари билан интеграция қилиш. | 2022-2023-йиллар | Туризм ва спорт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги |
| 2. | Спорт мусобақаларини ўтказишда шаффофлик ва очиқликни таъминлаш. | 1. Спорт-таълим муассасаларида ўқувчилар ўртасида ўтказиладиган мактаб ва коллеж мусобақаларининг йиллик “Календар режалари”ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.<br>2. Ушбу “Календар режалари”га асосан мусобақаларнинг Низомларини ишлаб чиқиб, уларни ўқувчилар учун махсус электрон таблолар ва жойларда эълон қилиб бориш. | 2022 йил 1 май | Туризм ва спорт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 3. | Спорт-таълим муассасалари раҳбар-ходимлари ва ўқувчилари ўртасида коррупциянинг олдини олиш ва унга | 1. Ташкилий чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш.<br>2. Ўқувчилар учун коррупцияга қарши курашиш | 2022-2023 йил | Туризм ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | қарши курашишга қаратилган очиқ дарс машғулотлари ва давра суҳбатлари ташкил этиш. | дарсларини ташкил этиш.<br>3. Ўқувчиларнинг ёшларидан келиб чиққан ҳолда коррупция қарши курашиш йўналишида тақдимот материалларини тайёрлаш. | | Республикаси Бош прокуратураси, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Ички ишлар вазирлиги |
| 4. | Спорт-таълим муассасаларига кириш имтиҳонларини тўғридан-тўғри эфирда кузатиш тизимини ташкил этиш. | 1. Кириш имтиҳонлари бўладиган спорт майдонлари, мажмуалари ва бошқа объектларни аниқлаш.<br>2. Спорт майдонлари, мажмуалари ва бошқа объектларга махсус техник-жиҳозларни ўрнатиш.<br>3. Тест имтиҳонлари топшириш жараёнини ўрнатилган тартибда веб-сайт орқали онлайн трансляциясини ташкил этиш. | 2022 йил | Туризм ва спорт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги |
| 5. | Спорт-таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчилар томонидан битирув спорт нормативларни топширишда шаффофлик ва ошкораликни таъминлаш. | 1. Битирув спорт нормативларини топшириш жараёни бўладиган майдонлари, мажмуалари ва бошқа объектларни аниқлаш.<br>2. Спорт майдонлари, мажмуалари ва бошқа объектларга махсус техник-жиҳозларни ўрнатиш.<br>3. Битирув спорт нормативларини топшириш жараёнини ўрнатилган тартибда веб-сайт орқали онлайн трансляциясини ташкил этиш. | 2022 йил | Туризм ва спорт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги |
| 6. | Спорт-таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчилар ва спортчиларга "Ягона спорт таснифлари"ни беришнинг шаффоф механизмини жорий қилиш. | 1. Қуйидагиларни назарда тутувчи ўқувчиларга спорт унвони ва спорт разрядларини бериш тизимини қайта кўриб чиқиб, уларни такомиллаштиришни назарда тутувчи норматив-ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш. Бунда:<br>- ўқувчиларга спорт унвони ва спорт разрядларини бериш жараёнларига малакали мутахассисларни жалб этиш;<br>- "Ягона спорт таснифлари"ни беришни электрон тарзда давлат хизмати сифатида кўрсатишни назарда тутиш;<br>- ўқувчиларга спорт унвонини ва спорт разрядларини бериш жараёнларини тартиб- | 2022-2023-йиллар | Туризм ва спорт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | таомилларини қайта ишлаб чиқиш;<br>- “Ягона спорт таснифлари”ни беришда талаб этиладиган ҳужжатларни қисқартириш. | | |
| **II. Олимпия ва Паралимпия спорт турлари бўйича мусобақаларни туман ва шаҳарларда ўтказиш** | | | | |
| 7. | Туман ҳамда шаҳарларда Олимпия ва Паралимпия спорт турлари бўйича мусобақаларни ўтказишда шаффофлик ва очиқликни таъминлаш. | 1. Спорт-таълим муассасалари билан биргаликда йиллик “Календар режалари”га асосан мусобақаларни ўтказиш жойи, вақти, турлари ва бошқа маълумотларни туман (шаҳар) хокимликлари расмий сайтларда ва ОАВ эълон қилиш.<br>2. Ушбу мусобақаларнинг ҳаққонийлиги ва ошкоралигини таъминлаш мақсадида, уларни ўтказиш учун масъул ходимлар тўғрисидаги маълумотларни туман (шаҳар) хокимликлари ҳузурида ташкил этилган махсус жойларда эълон қилиб бориш. | 2022 йил<br>1 март | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Туризм ва спорт вазирлиги |
| 8. | Қорақалпоғистон Республикаси , вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман (шаҳар)ларда Олимпия ва Паралимпия спорт турлари бўйича мусобақаларда коррупциявий хатти-ҳаракатлар содир этган спорт федерациялари (ассоциациялари), спорт таълими ва спорт муассасаларининг раҳбар-ходимлари, спортчилар, йўриқчи-услубчилар, тренерлар ва ҳакамлар тўғрисида маълумот берувчи махсус жойлар ва электрон таблолар ташкил этиш. | 1. Ушбу махсус электрон экранлар ва жойлар ўрнатиладиган жойларни аниқлаш.<br>2. Уларга қўйиладиган маълумотларни жамлаш ва электрон экранларни ўрнатиш.<br>3. Туман ва шаҳар мусобақаларида голиб чиққан спортчилар орасидан туман терма жамоа таркибиш ва кейинги режалаштирилаётган турнирлар тўғрисида маълумотларни жойлаб бориш. | 2022 йил<br>1 февраль | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Туризм ва спорт вазирлиги |
| 9. | Олимпия ва Паралимпия спорт турлари бўйича мусобақаларни бошқариш учун малакали ҳакамларни жалб этиш. | 1. Тумандаги (шаҳар) Ягона платформага киритилган ва рейтинг баҳоси юқори бўлган ҳакамларни танлаб олиш.<br>2. Уларни ушбу мусбақаларни ўтказиш учун жалб қилиш. | 2022 йил<br>25 январь | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Туризм ва спорт вазирлиги |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **III. Олимпия ва Паралимпия спорт турлари бўйича мусобақаларни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиш** | | | | |
| 10. | Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Олимпия ва Паралимпия спорт турлари бўйича мусобақаларни ўтказишда шаффофлик ва очиқликни таъминлаш. | 1. Спорт-таълим муассасалари билан биргаликда йиллик “Календар режалари”га асосан мусобақаларни ўтказиш жойи, вақти, турлари ва бошқа маълумотларни туман (шаҳар) ҳокимликлари расмий сайтларда ва ОАВ эълон қилиш.<br>2. Ушбу мусобақаларнинг ҳаққонийлиги ва ошкоралигини таъминлаш мақсадида, уларни ўтказиш учун масъул ходимлар тўғрисидаги маълумотларни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида ташкил этилган махсус жойларда эълон қилиб бориш. | 2022 йил 1 март | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Туризм ва спорт вазирлиги |
| 11. | Олимпия ва Паралимпия спорт турлари бўйича мусобақаларни бошқариш учун малакали ҳакамларни жалб этиш. | 1. Туман, шаҳарлар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида яшовчи ягона платформага киритилган ва рейтинг баҳоси юқори бўлган ҳакамларни мусобақаларни бошқариш учун танлаб олиш.<br>2. Уларни ушбу мусбақаларни ўтказиш учун жалб қилиш. | 2022 йил 25 январь | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Туризм ва спорт вазирлиги |
| **IV. Олимпия ва Паралимпия спорт турлари бўйича Республика мусобақаларини ўтказиш** | | | | |
| 12. | Олимпия ва Паралимпия спорт турлари бўйича Республика ва халқаро мусобақаларни ўтказишда шаффофлик ва очиқликни таъминлаш. | 1. Йиллик “Календар режалари”га асосан Республика мусобақаларни ўтказиш жойи, вақти, турлари ва бошқа маълумотларни расмий сайтларда ва ОАВда эълон қилиш.<br>2. Ушбу мусобақаларнинг ҳаққонийлиги ва ошкоралигини таъминлаш мақсадида, уларни ўтказиш учун масъул ходимлар тўғрисидаги маълумотларни Туризм ва спорт вазирлиги, йирик спорт мажмуалари ва бошқа мутасадди ташкилотларда ташкил этилган махсус электрон экранлар ва жойларда эълон қилиб бориш. | 2022 йил 1 май | Туризм ва спорт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 13. | Олимпия ва Паралимпия спорт турлари бўйича маҳаллий ва халқаро мусобақалар ўтказиладиган йирик спорт мажмуаларида Туризм ва спорт вазирлиги томонидан тасдиқланган "Календар режалар"га асосан ўтказиладиган маҳаллий ва халқаро турнирларнинг ўтказилиши тўғрисида маълумот берувчи махсус электрон таблолар ва жойлар ташкил этиш. | 1. Ушбу махсус электрон экранлар ва жойлар ўрнатиладиган жойларни аниқлаш.<br>2. Уларга қўйиладиган маълумотларни жамлаш ва электрон экранларни ўрнатиш.<br>3. Ғолиб ва совриндор бўлган спортчилар ва кейинги режалаштирилаётган турнирлар тўғрисида маълумотларни жойлаб бориш. | 2022 йил 1 февраль | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Туризм ва спорт вазирлиги |
| 14. | Олимпия ва Паралимпия спорт турлари бўйича мусобақаларни бошқариш учун малакали ҳакамларни жалб этиш. | Туман, шаҳарлар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида яшовчи ягона платформага киритилган ва рейтинг баҳоси юқори бўлган маҳаллий ва халқаро даражадаги ҳакамларни мусобақаларни бошқариш учун танлаб олиш ва ушбу мусбақаларни ўтказиш учун жалб қилиш. | 2022 йил 1 январь | Туризм ва спорт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| **V. Спортчи, тренер ва ҳакамлар фаолиятини баҳолаш бўйича элекрон базасини ташкил қилиш** | | | | |
| 15. | Ҳудудларда иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш ва саралашда (селекция) шаффофлик, ошкоралик ва очиқ рақобатни таъминлаш мақсадида, махсус спорт тизимини бошқаришнинг ягона платформаси орқали амалга ошириш. | 1. Платформа ўтказиладиган Ўзбекистон чемпионатлари (кубоклари)нинг барча босқичлари билан боғлиқ ҳужжатларни рақамлаштириш, барча спорт-таълим муассасаларига ўқувчиларни қабул қилиш, Давлат бюджетидан спорт соҳаси, шунингдек, спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг республика ва ҳудудий календарь режалари учун ажратиладиган маблағлар тақсимланиши ва ишлатилишининг тўлиқ назоратини амалга ошириш, улар бўйича ҳисоботларни шакллантириш, спорт-таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлар тушумларини назорат қилиш ва ишлатилиши шаффофлигини таъминлашни назарда тутувчи ахборот тизимини ишлаб чиқиш.<br>2. Платформа спорт синовларининг платформаси (www.jtdss.uz) билан интеграция қилиш.тегишли ҳужжатларни Платформага жойлаштириш. | 2022-2023-йиллар | Туризм ва спорт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Барча федерация ва ассоциациялар |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 16. | Олимпия ва Паралимпия спорт турлари бўйича олимпия йўлланмаси учун ўтказиладиган хорижий мамлакатлардаги халқаро мусобақаларда жалб этиладиган спортчиларни очиқ ва ошкора танлаб олишда ягона платформадаги ўринларидан келиб чиққан ҳолда миллий жамоаларга танлаб олиш. | Спорт тизимини бошқаришнинг ягона платформасига киритилган маҳаллий ва халқаро мусобақаларда юқори даражаларга эришган ва ушбу платформада юқори рейтингларга эга спортчиларни ёш тоифаларидан (*катталар, ёшлар ва ўсмирлар*) келиб чиқиб, спорт терма жамоаларга жалб этиш. | 2022 йил | Туризм ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси, Масъул федерациялар |
| 17. | Олимпия ва Паралимпия спорт турлари бўйича ўтказиладиган халқаро мусобақаларга ушбу платформада юқори рейтингга эга бўлган ёш тоифаларидан (*катталар, ёшлар ва ўсмирлар*) келиб чиққан ҳолда захира спортчилари сифатида шакллантириш. | Юқори рейтингга эга спортчилар маълум сабабларга кўра маҳаллий ва хорижий турнирларга бора олмаган тақдирда, платформада юқори рейтингга эга бўлган ёш тоифаларидан (*катталар, ёшлар ва ўсмирлар*) келиб чиққан ҳолда бошқа спортчиларини ушбу мусобақаларга жалб қилиш. | 2022 йил | Туризм ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси, Масъул федерациялар |
| 18. | Олимпия ва Паралимпия спорт турлари бўйича миллий терма жамоаларнинг бош (катта) тренерларини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш, шу жумладан хорижий спорт мутахассисларини ишга қабул қилишнинг шаффоф механизмларини жорий этиш. | 1. Хорижий экспертларнинг тавсиялари ва кенг жамоатчилик фикри асосида миллий терма жамоаларга (*катталар, ёшлар ва ўсмирлар*) тренерларни тайинлаш бўйича тегишли ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.<br>2. Спорт тизимини бошқаришнинг ягона платформасига киритилган маҳаллий ва халқаро мусобақаларда юқори рейтингларга эга тренерларни ёш тоифаларидан (*катталар, ёшлар ва ўсмирлар*) келиб чиқиб, спорт терма жамоаларга жалб этиш. | 2022 йил | Туризм ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси, Масъул федерациялар |
| 19. | Олимпия ва Паралимпия спорт турлари бўйича спортчилар ва ҳакамларга бериладиган малака тоифаларини бериш юзасидан давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини ишлаб чиқиш. | 1. Спортчиларга спорт унвони ва спорт разрядларини бериш бўйича давлат хизмати кўрсатиш тартиби ва мезонини белгилаш.<br>2. Спорт унвони ва спорт разрядларини беришда тан олинадиган нуфузли спорт мусобақаларини белгилаш.<br>3. Спорт унвони ва спорт разрядларини бериш бўйича малака комиссиясини ташкил этиш ва унинг фаолиятини белгилаш. | 2022-2023-йиллар | Туризм ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 20. | Спорт мусобақаларида иштирок этаётган ҳакамларни ва тренерларни баҳолаш электрон тизимини яратиш. | 1. Спорт мусобақаларида шаффофлик ва очиқликни таъминлаш мақсадида, ушбу мусобақаларда бошқарган ҳакамларнинг фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш.<br>2. Спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаган спортчилар тренерларининг фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш.<br>3. Ушбу тренер ва ҳакамларнинг мусобақадаги фаолиятини қатнашчилар томонидан баҳоланишини ташкил этиш. | 2022-2023-йиллар | Туризм ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси, тегишли федерациялар |
| 21. | Коррупцияга оид жиноятларни содир этган федерациялари (ассоциация), спорт таълими ва спорт муассасаларининг раҳбар-ходимлари, спортчилар, тренерлар, йўрикчи-услубчилар ва ҳакамларнинг очиқ электрон реестри юритилишини йўлга қўйиш. | 1. Коррупцияга оид жиноятларни содир этган спорчиларнинг очиқ электрон реестрини тузиш.<br>2. Улар томонидан содир бўлган коррупциявий ҳатти-ҳаракатлари билан боғлиқ чекловларнининг турлари ва муддатларини киритиб бориш. | 2022-2023-йиллар | Туризм ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси, тегишли федерациялар |
| 22. | Давлат бюджетидан спорт соҳаси учун ажратиладиган ва спорт муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлар тақсимланиши ва ишлатилишининг тўлиқ назорат қилинишини таъминловчи ахборот тизимини ишлаб чиқиш. | 1. Лойиҳаолди ўрганишни ва маълумотлар таҳлилини амалга ошириш.<br>2. Лойиҳа-техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш.<br>3. Лойиҳани босқичма-босқич жорий этиш ва электрон ҳукумат ахборот тизимлари билан интеграция қилиш. | 2022-2023-йиллар | Туризм ва спорт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, |
| 23. | Республикамиз ҳудудларида жисмоний тарбия ва спорт иншоотлари, қурилиш-таъмирлашда объектнинг шартнома қиймати, молиялаштирилган маблағлари, бажарилган ишлар хажми тўғрисидаги маълумотлар, таъмирлаш ва қурилиш ишлари режаларининг бажарилиши бўйича ҳудудлар рейтингини тузиш имкониятини яратувчи ахборот тизимини ишлаб чиқиш. | 1. Лойиҳаолди ўрганишни ва маълумотлар таҳлилини амалга ошириш.<br>2. Лойиҳа-техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш.<br>3. Лойиҳани босқичма-босқич жорий этиш ва электрон ҳукумат ахборот тизимлари билан интеграция қилиш. | 2022-2023-йиллар | Туризм ва спорт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 24. | Олимпия ва Паралимпия спорт турлари бўйича Календар режалари, спорт тадбирлари, халқаро мусобақалар ва турнирлар, жаҳон ва Осиё чемпионатларини ўтказиш режалари, уларда республика спортчиларининг иштирокини таъминлаш, эришилган натижалар ва улар бўйича ҳисоботни юритиш ва назорат қилишни таъминловчи ахборот тизимини ишлаб чиқиш. | 1. Лойиҳаолди ўрганишни ва маълумотлар таҳлилини амалга ошириш.<br>2. Лойиҳа-техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш.<br>3. Лойиҳани босқичма-босқич жорий этиш ва электрон ҳукумат ахборот тизимлари билан интеграция қилиш. | 2022-2023-йиллар | Туризм ва спорт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги |
| 25. | Коррупциявий хатти-ҳаракатлар содир этган спортчилар, тренерлар ва ҳакамларни спорт мусобақаларидан вақтинча чеклаш бўйича тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш. | Коррупциявий хатти-ҳаракатлар содир этилиши ва уларга алоқадорлик даражасига қараб уларни спорт мусобақаларидан вақтинча четлатиш (нечта ўйинга, қанча муддатга, қайдай тартибда ва бошқалар) тартиб ишлаб чиқиш. | 2022 йил 1 сентябрь | Миллий олимпия қўмитаси, Миллий паралимпия қўмитаси, Туризм ва спорт вазирлиги, тегишли федерациялар |
| 26. | Коррупциявий хатти-ҳаракатлар содир этаётган спортчилар, тренерлар ва ҳакамлар тўғрисида хабар берган шахсларни рағбатлантириш ва улар ҳақидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш. | 1. Спортчилар, тренерлар ва ҳакамлар коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарчиликлар билан дуч келганда бу тўғрисида тегишли мутасадди ташкилотларга хабар бериш.<br>2. Тақдим этилган маълумотларнинг ҳаққонийлигини ўрнатилган тартибда ўрганиш.<br>3. Ҳаққоний маълумотларни тақдим этган спортчилар, тренерлар ва ҳакамларни тегишли тартибда рағбатлантириш бўйича таклифлар киритиш. | доимий | Туризм ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси, тегишли федерациялар |
| 27. | Коррупциявий хатти-ҳаракатлар содир этган ва содир етишга мойиллиги бўлган, ички ишлар идоралари томонидан профилактик ҳисобга олинган спорт федерация (ассоциация)лари, спорт таълими ва спорт муассасаларининг раҳбар-ходимлари, спортчилар, тренерлар, йўриқчи-услубчилар ва ҳакамлар томонидан келгусида бу тоифа қонун | 1. Коррупциявий хатти-ҳаракатлар содир етган ва содир етишга мойиллиги бўлган, ички ишлар идоралари томонидан профилактик ҳисобга олинган спорт федерация (ассоциация)лари, спорт таълими ва спорт муассасаларининг раҳбар-ходимлари, спортчилар, тренерлар, йўриқчи-услубчилар ва ҳакамлар рўйхатини тузиш.<br>2. Улар билан давра суҳбатлари ва улар билан "яккама-якка" (индивудиал) тартибда профилактик | доимий | Туризм ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси, тегишли федерациялар |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | бузилиш холатларини содир бўлишини олдини олиш мақсадида, улар ўртасида давра суҳбатлари ва улар билан “яккама-якка” (индивидуал) тартибда профилактик суҳбатлар ўтказиш. | суҳбатлар ўтказиш режа-графикларини ишлаб чиқиш.<br>3. Ушбу режа-графикка асосан мазкур ходимлар билан давра суҳбатлари ва улар билан “яккама-якка” (индивудиал) тартибда профилактик суҳбатлар ўтказиш. | | |

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил "10" декабрдаги
242-сон йиғилиш баёнига
5-илова

**Олимпия спорт турлари бўйича федерация ва уюшмаларнинг**
**НАМУНАВИЙ ШТАТЛАР ЖАДВАЛИ**

| Т/р | Лавозимлар номи | Штат бирлиги |
|---|---|---|
| 1. | Раис | 1,0 |
| 2. | Бош котиб | 1,0 |
| 3. | Халқаро алоқалар бўйича мутахассис | 1,0 |
| 4. | Миллий терма жамоалар фаолиятини координация қилиш ва мониторинг бўйича мутахассис | 1,0 |
| 5. | Миллий терма жамоалар захирасини тайёрлаш ва ёш иқтидорли спортчиларни саралаш бўйича мутахассис | 1,0 |
| 6. | Маркетинг ва моддий-техник таъминот бўйича мутахассиси | 1,0 |
| 7. | Бош ҳисобчи | 1,0 |
| 8. | Матбуот котиби | 1,0 |
| 9. | Кадрлар билан ишлаш бўйича мутахассис | 1,0 |
| 10. | Иш юритувчи ва мурожаатлар билан ишлаш бўйича мутахассис | 1,0 |
| 11. | Диетолог | 0,5 |
| 12. | Психолог | 1,0 |
| 13. | Шифокор | * |
| 14. | Массажчи | * |

***Изоҳ:***

1. *"Шифокор", "массажчи" лавозимлари ҳар бир олимпия спорт тури йўналишига 1 штат бирлиги ажратилади;

2. Федерация ва уюшмаларнинг молиявий ички имкониятларидан келиб чиқиб, зарур ҳолларда тегишли лавозим бирликлари киритилиши мумкин ҳамда уларнинг харажатлари федерация ва уюшмаларнинг қўшимча даромадлари ҳисобидан молиялаштирилади.